

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ**

**“БАНК МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ ” ФАКУЛТЕТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ**

“МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ” ФАНИДАН

КУРС ИШИ

МАВЗУ: ТОВАРЛАРНИНГ ҲИСОБИ

(“Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо ” МЧЖ мисолида)

Бажарди: БХ-111 гуруҳ талабаси Васиев Зафар

Курс иши рахбари: доц. Рофеев Д. Р.

САМАРҚАНД – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
 1 Боб. Товарлар ҳисобининг назарий асослари	
1.1. Товарларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифи ва тавсифи.....	6
1.2. Товар операциялари бўйича бухгалтерия ҳисобининг вазифалари	11
 2 Боб. “Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо” МЧЖ да товарларнинг ҳисоби	
2.1. “Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо” МЧЖ фаолиятининг умумий тавсифи.....	15
2.2. Товар операциялари ҳаракатини ҳужжатлаштириш ва моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботи.....	20
2.3. Савдо корхоналарида товар моддий бойликлар инвентаризацияси ва улар натижаларини ҳисобда акс эттирилиши.....	25
2.4. Товарлар ҳаракатининг ҳисоби.....	27
 Хулоса ва таклифлар	38
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	40
Иловалар	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти шароитида барча корхоналар хўжалик принципи асосида фаолият олиб боради. Хўжалик принципининг моҳияти шундаки, барча корхоналар фойда олиш мақсадида фаолият юритар экан, ўз фаолиятларини амалга ошириш учун қилаётган харажатларини ҳам ўзлари қоплашлари керак бўлади. Бундай шароитда хўжалик фаолиятидан кўпроқ фойдага эга бўлиш, корхоналардан моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни талаб қилади.

Савдо юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорликнинг бир тури ҳисобланади. У ишлаб чиқариш соҳасини истеъмол соҳаси билан боғловчи бугиндир. Савдосиз яратилган маҳсулотлар уз истеъмолчиларга етиб бормайди. Демак, савдо макон ва замонда такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишнинг муҳим шартларидан биридир.

Савдо товар-пул муносабатларининг мажмуасидир. Ушбу муносабатларда бир томондан сотувчи, иккинчи томондан эса сотиб олувчи иштирок этади. Товар-пул муносабатлари мажмуаси савдони иқтисодиётнинг махсус тармоғи даражасида ҳаракат қилишга олиб келади.

Савдо корхоналари моддий ресурслари таркибида жами активлардаги улуши ва аҳамиятига кўра товарлар муҳим ўрин тутади. Улар хўжалик фаолиятининг натижаси кўп жиҳатдан товар операцияларининг самарали ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади. Товар операцияларининг самарали ташкил этилиши ўз навбатида улар ҳисобининг тўғри олиб борилганлигига боғлиқ бўлади. Бу товар операциялари ҳисобининг мақсадини белгилаб беради.

Демак, савдо корхоналари хўжалик фаолиятини тўғри бошқаришда товар операциялари ҳисобини ва уни узлуксиз такомиллаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида «Мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб қиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8 фоизга, пудрат қурилиш ишлари ҳажми 16,6 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 13,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 14,8 фоизга ўсди. Ялпи ички маҳсулотнинг таркибида хизматлар кўрсатиш улуши 53 фоизгача ўсди». Жаҳон бозори конъюнктурасининг беқарорлигига қарамай, экспорт ҳажмининг 10,9 фоизга ўсиши таъминланди ва ташқи савдо айланмасининг 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги ижобий салдосига эришилди. Жами экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи ҳам ашё бўлмаган товарларга тўғри келди.¹

Товар операцияларининг мазмун – моҳияти, таснифи, уни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича мамлакатимиз олимлари томонидан кўп тадқиқотлар олиб борилган. Бу борада, Б.А.Абдукаримов, Р.Дўстмуродов, А.А.Каримов, Ҳ.Н.Мусаев, М.М.Мухаммедов, М.Қ.Пардаев, М.Тўлаходжаева, К.Б.Уразов ва бошқа иқтисодчи – олимларимизнинг олиб борган изланишлари диққатга сазовордир. Бироқ, шуларга қарамасдан, ҳали ҳам товар операцияларининг мазмун – моҳияти, таснифи, уни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва аудиторлик текширувидан ўтказиш усуллари ёритишда айрим муаммолар йўқ эмас. Шуларни инобатга олган ҳолда курс иши учун ушбу мавзу танланди.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Халқ сўзи. 18.01.2014

Курс ишининг назарий ва услубий негизини Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Президент асарлари ҳамда махсус иқтисодий адабиётлар ташкил қилади.

Курс ишининг мақсади «Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо» МЧЖ савдо корхоналарида товар операциялари ҳисобин чуқур ўрганишни ҳамда илмий ва амалий таклифлар беришдан иборат.

Курс - иши олдига аниқ вазифалар қўйилган ва қуйидаги натижаларга эришилган:

- товар операцияларининг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги тавсифи ва шакллари ўрганиб чиқилди;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида товар операциялари ҳисобининг вазифалари аниқланди;
- «Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо» МЧЖ хўжалик фаолиятига тавсиф берилди;
- товар операцияларини ҳужжатлаштириш тартиби очиб берилди;
- товар операцияларининг синтетик ҳисоби ёритилди;

Ишни бажаришда иқтисодий – математик методлардан, компьютар воситаларидан, интернет сайтларидан фойдаланилди.

Курс ишининг илмий ва амалий аҳамияти: курс ишида келтирилган маълумотлардан китоблар, мақолалар, ёзишда фойдаланиш мумкин. Берилган таклифлардан хўжалик юртурувчи субъектлар фойдаланса, корхонанинг келгусида, товар ҳаракати бўйича фаолиятини тартибга солиш яхшиланади.

Курс ишининг предмети ва объекти: курс ишининг предмети бўлиб корхонада товар ҳаракати ва ҳисобини ўрганиш, объекти эса масулияти чекланган «Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо» масулияти чекланган жамият (МЧЖ) ҳисобланади

Курс ишининг таркиби: курс иши кириш, 2 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва корхона маълумотлари асосида тайёрланган иловалардан иборат.

1 БОБ. ТОВАРЛАР ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Товарларни бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифи ва тавсифи

«Савдо — биринчидан, товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган хўжалик алоқалари ва товар айрибошлаш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни англатади, иккинчидан, иқтисодиёт тармоғи сифатида ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида мустақиллашган савдо корхоналари мажмуасидир»¹.

Савдо азалдан фойда олиш манбаи бўлиш билан бирга дунё мамлакатлари ўртасида маданият, маърифат тарқатувчи восита ҳисобланган. Савдо фаолияти махсус фаолият бўлиш билан бирга, иқтисодиётнинг махсус тармоғини ҳам ифодалайди.

«Фаолият сифатида савдо юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган тadbиркорликнинг бир тури ҳисобланади. Улар товарларни сотиб олиш ва сотиш жараёнида иштирокчи бўлганлиги сабабли ишлаб чиқариш соҳасини истеъмол соҳаси билан боғловчи ҳисобланади. Шу сабабли савдосиз яратилган маҳсулотлар ўз истеъмолчиларига етиб бормайди ва уларнинг такрор ишлаб чиқаришини амалга ошириб бўлмайди»².

Юқорида келтирилган олимларимизнинг фикрларидан хулоса қилиш мумкинки, савдо ўзида айрибошлаш жараёнидаги иқтисодий муносабатларни, савдо корхоналарининг фаолиятини, алоҳида тармоқнинг номини акс эттиради ва товарларни ўз истеъмолчиларига етказишдек ўта муҳим функцияни бажаради.

Савдо категорияси ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг умумий тавсифи 1-чизмада келтирилган.

² Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. — Т.: Фан ва технология, 2007, 41-42-бет.

³ Уразов К.Б. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. — Т. ; Адиб, 2011, 381 б,



1-чизма. Бозор муносабатлари шароитида савдо иқтисодий категориясининг тавсифи

Савдони шаклланиши инсоният тараққиёти тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Тарихдан ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар алоқаларини кондирришга катта хисса қўшган. Улар йўл алоқаларини такомиллаштириш ва пул – кредит муносабатларини ривожлантиришга ҳам ўз хиссасини қўшган.

Бозор иқтисодиёти шароитида савдонинг ижтимоий шакллари ва ташкилий – иқтисодий таснифи тубдан ўзгарди. Собиқ иттифоқ даврида республикада давлат савдоси, кооператив савдо ва колхоз бозори мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда мулк муносабатлари ўзгариши, децентрализация жараёни амалга ошганлиги муносабати билан унинг янги шакллари вужудга келди. К.Б.Уразов савдо фаолиятини турли белгилари бўйича (2-чизма) да келтирилган тартибда таснифлайди.


Савдо корхоналари асосан товарларни харид қилиш ва уларни сотиш билан шуғулланадилар. Бозор иқтисодиёти шароитида товар деганда нимани тушунмоқ керак?

Бизнингча, товар - сотиш учун ишлаб чиқарилиб, савдога қўйилган ёки сотиб олинган активлардир.

Товарлар фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, савдо корхоналари активлари, хусусан жорий активлари таркибида асосий ўринни эгаллайди.

Бу турдаги активларнинг характерли хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Улар истеъмол қийматига эга бўлади, яъни одамларнинг истеъмол талабларини кондиради;
- Улар қийматга эга бўлади, яъни пулда ифодаланган баҳога эга бўлади;
- Айланма активлар бўлиб ҳисобланади, яъни маълум бир цикл давомида уларнинг захиралари янгиланиб туради;
- Пулга ва бошқа активларга алмаштирилади;
- Инвестиция воситаси сифатида қўлланилади;
- Ижарага бериш объекти ҳисобланмайди.



2-чизма. Савдо фаолиятини таснифлаш асослари³

³ Уразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш.-Т. ; Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2004, 11-бет.

Бухгалтерия ҳисобида товарлар турган жойига, эгалик қилиш ҳуқуқига, турларига, баҳосига ва бошқа белгиларига қараб акс эттирилади.

Турган жойига қараб товарларни омборлардаги, чакана савдо шаҳобчаларидаги, выставкадаги, комиссиядаги, консигнаторлардаги, йўлдаги ва бошқа товарларга бўлиш мумкин.

Эгалик қилиш ҳуқуқига кўра товарларни хусусий товарлар, консигнацион товарлар, комисион товарларга ажратиш мумкин.

Товарларни сотишнинг асосан икки усули кенг қўлланилади: улгуржи ва чакана.

Улгуржи сотиш –бу товарларни келгусида бошқаларга сотиш ёки истеъмол қилиш учун сотилиши. Ушбу савдо турини олиб борувчи хўжалик юритувчи субъектлар улгуржи савдо корхоналари деб аталади. Улгуржи савдонинг характерли хусусиятларига қуйидагилар киради:

- Товарларни катта партияларда нақдсиз сотилиши;
- Ҳар бир сотиш муомаласини албатта счёт-фактура билан қатъий расмийлаштирилиши;
- Товарларни фақат омборхоналардан жўнатилиши.

Ишнинг кириш қисмида таъкидлаганимиздек, савдо корхоналари хўжалик фаолиятининг асосини товар операциялари ташкил қилади. **Товар операциялари деганда савдо корхоналарининг товарларни сотиб олиш ва уларни реализация қилиш билан боғлиқ бўлган хўжалик операциялари тушунилади.** Демак, товар операциялари товарларни қабул қилишдан бошлаб, кейинги харидор (бошқа савдо корхонасига ёки охириги истеъмолчига)га топширгунгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Ушбу операцияларнинг юз беришини уч босқичга бўлиш мумкин:

- харид қилиш босқичи;
- товарларни сақлаш босқичи;
- реализация қилиш босқичи.

Товарларни харид қилиш босқичи таъминотчи корхоналардан товарларни қабул қилиб олиш, ортиш ва ташиб келтириш, таъминотчи, воситачи ва транспорт корхоналари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, импорт қилинаётган товарлар учун божхона шартларини бажариш каби операцияларни ўз ичига олади.

Товар операцияларининг иккинчи-сақлаш босқичида товарлар омборларга кирим қилинади, навларга ажратилади, зарур ҳолларда қайта ишлов берилади, ўраб-жойланади ва бошқа сақлаш билан боғлиқ зарурий амаллар бажарилади.

Товар операцияларининг учинчи босқичи энг муҳим босқич бўлиб, бу босқичда товарлар рекламаси амалга оширилади, харидорлар билан битимлар тузилади, товарлар юклаб жўнатилади ва харидорлар билан ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Кўриниб турибдики, савдо корхоналари хўжалик фаолиятида товар операциялари асосий ўринга эга бўлиб, уни ҳисобини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

1.2. Товар операциялари бўйича бухгалтерия ҳисобининг вазифалари

Товар операциялари бухгалтерия ҳисобининг тўғри шакллаштирилиши муҳим аҳамият касб этади. Хужжатларнинг расмийлаштирилиши, товарларнинг таннарининг аниқланиши, таъминотчилар, харидорлар ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўғри амалга оширилиши савдо корхоналарида ҳаражатларнинг камайишига сабаб бўлади.

Савдо корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби вазифаларига қуйидагилар киради: товар айланмасининг миқдорини хужжатли асосга эга бўлишлигини таъминлаш, уни ҳисоб регистрлари ва ҳисоботларда тўғри акс эттириш;

✓ тузилган шартномаларни бажарилаётганлигини, товарларни кирим ва чиқимиға тегишли бўлган бошланғич хужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминлаш;

✓ товарларнинг сотиш, баҳоларини тўғри шаклланганлигини назорат қилиш;

- ✓ товарларни харидорларга етказишгача бажарилган транспортировка, сақлаш, ўраш, қадоклаш, саралаш ва шу каби қўшимча жараёнлар мажмуасини ҳужжатларда ўз вақтида ва тўғри акс эттириш, уларга сарфланган маблағларни аниқ суммасини ифодалаш;
 - ✓ товар-пул муносабатлари орқали пул маблағларини тўплаш;
 - ✓ савдо корхоналарида юз берадиган товар-пул операцияларини ўз вақтида, тўғри ҳужжатлаштириш, гуруҳлаш ва жамланишини таъминлаш;
 - ✓ амалга оширилган товар операцияларининг қонунийлиги ва товар-моддий бойликлар бутлигини таъминлаш;
 - ✓ товар-моддий бойликларнинг сақланиш жойларида омбор ҳисобини белгиланган усул ва шаклларда, шунингдек ҳисоб регистрлари ҳисобланган китоб, карточка ёки қайдномаларни ўз вақтида ва тўғри юритилишини таъминлаш;
 - ✓ барча моддий жавобгар шахслар фаолияти устидан қатъийназоратни олиб бориш, моддий жавобгар шахслар билан тузилган моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар шартларига тўлиқ амал қилинаётганлиги тўғрисида раҳбариятга ҳаққоний ахборотларни бериб бориш;
- товар-моддий бойликлар бўйича баҳо сиёсатини тўғри шакллантириш ва ушбу сиёсатни тўғри амалга оширилиши устидан доимий назоратни олиб бориш;
- савдо шохобчалари ва омборлардаги товар-моддий бойликлами реал ҳолатини белгиланган муддатларда инвентаризациясини ўтказиб туриш.
- ✓ Савдо корхоналари бир-бирларидан товар операцияларини тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш бўйича ҳам фарқ қилади. Жумладан, улгуржи савдо корхоналаридаги товар операцияларининг характерли хусусиятларидан бири шундаки, биронта товар-моддий бойликнинг кирим ва чиқими бу ерда тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан туриб амалга оширилмайди. Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида, аксинча, ҳар бир товар операциясини ҳужжатлаштириб бўлмайди –Омборлардан товоналар фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида сотилади, чакана савдо ва

умумий овқатланишда эса товарлар асосан нақд пулга, айрим ҳолларда кичик улгурж и шаклда нақдсиз сотилиши мумкин.


✓ Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига (БҲМС), шу жумладан 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар»ига, мувофиқ товар-моддий бойликларни ҳисобга олишнинг иккита тизимини, яъни даврий тизим ва узлуксиз тизимини қўллаш мумкин.

✓ Улгуржи савдо корхоналарида товар операцияларининг юқорида тавсифланган хусусиятларини эътиборга олган ҳолда товар-моддий бойликлар ҳисобини узлуксиз тизимини қўллаш зарурати ва шарт-шароитлари майжуд. Ушбу тизимнинг моҳияти шундаки товар-моддий бойликларнинг барча кирим ва чиқимининг ҳисоби аниқ бошланғич ҳужжатлар асосида юритилади. Жумладан, товарларнинг сотилиши харидорлар билан тузилган шартномаларда кўрсатилган баҳоларда уларни сотилганлигига гувоҳлик берувчи счот-фактуралар асосида ҳисобга олиб борилади. Сотилган товарларнинг таннарни уларнинг кирим ҳужжатларида кўрсатилган баҳолари бўйича аниқ ҳужжатлар асосида топилади ва ҳисобга олинади. Бу, ўз навбатида, сотишдан олинган даромадларни ҳар бир товар бўйича ҳужжатли асосда топиш имконини беради.

✓ Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ҳар бир товарнинг сотилишини қатъий ҳужжатлаштириш имкони мавжуд бўлмаслиги уларда ТМБлар ҳисобининг даврий тизимини қўллашни тақозо этади.

✓ Савдо корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифаларидан бири товар-моддий бойликларнинг ҳолати ва ҳаракати бўйича синтетик ва аналитик ҳисобни юритиш ҳисобланади. 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счотлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» га мувофиқ товарларнинг синтетик ҳисоби барча савдо корхоналарида 2900 «Товарларни ҳисобга олувчи счётларда» олиб бориш назарда тутилган.

Савдо корхоналарида товарларнинг аналитик ҳисоби 3 чизмада келтирилган иерархик тизим бўйича қўлда ёки замонавий компьютерларда юритиладиган ҳисоб регистрларида олиб борилади:



3- чизма. Савдо корхоналарида товарлар аналитик иерархик тизими

2 БОБ. “Каттакўрғон ишлаб чиқариш савдо” МЧЖ да товарларнинг ҳисоби

2.1. “Каттакўрғон ишлаб чиқариш савдо” МЧЖ фаолиятининг умумий тавсифи

“Каттакўрғон ишлаб чиқариш савдо” маъсуляти чекланган жамиятига Каттакўрғон туман тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси тамонидан 2011 йил 18 апрелда давлат рўйхатидан ўтказилган (илова 1).

Юридик мақоми Каттакўрғон тумани ишлаб чиқариш савдо корпоративи (бундан буён матнда ИЧСК деб юритилади) турли мулк шаклида юридик ва жисмоний шахсларни қатнашуви ҳисобланиб Каттакўрғон тумани “Матлуботсавдо” акционерлик жамияти негизида “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.03 йилдаги УН -3202 сонли Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 69 моддасига мувофиқ ташкил этилган (илова 2).

ИЧСКнинг уставида қайд килинганидек унинг асосий мақсади ва фаолият турлари қўйдагилардан иборат:

- ИЧСК нинг мақсади савдо фаолиятини барча турлари билан шуғулланиш Ўзбекистон Республикаси аҳолисини иш жой билан таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш, озиқ овқат халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш маҳсулотларни Республика ичкарасида ва ташқи бозорга етказиб бериш, кўргазмалар ким очди савдоси ўтказиш сотиш алмаштириш йўли билан тассаруф этиш ва бошқа хизматларга бўлган эҳтиёжларни тўлароқ қондириш корхона таъсисчилари билан биргаликда хўжалик юритиш ишлаб чиқаришни амалга оширишбиргаликда қонуний фойда олишдан иборатдир.

- Кишлок, шаҳар на кургонларда маҳсулотларни қабул қилиш тайерлаш ва қайта ишлаш корхоналарини очиш;
- кишлок хужалик маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда кишлок аҳолисига ва корхоналарга сотиш;
- Ўзбекистан Республикаси ва ундан ташқарида шартнома асосида озик-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари манбаларини қидириб топиш;
- аҳолининг озик-овқат ва саноат молларига бўлган эҳтисжларини урганиш;
- аҳолидан, жамоа хужаликларидан ва бошқа кишлок хужалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилардан чакана савдо, умумий овқатланиш корхоналари учун маҳсулотлар харид қилиш;
- аҳоли эҳтиёжини қондириш учун шартнома асосида турли мулк шаклидаги корхоналардан саноат моллари, кишлок хужалик маҳсулотларни таъминотини ташкил этиш; озик-овқат маҳсулотлари ва овқатга солинадиган масалликларни ишлаб чиқариш; улгуржи ва чакана савдо билан шугулланиш;
- «Холдинг» операцияларини амалга ошириш; умумий овқатланиш на ишлаб чиқариш билан шугулланиш;
- ишлаб чиқариш - техник аҳамиятдаги маҳсулот ва товарларни ишлаб чиқариш; ташқи иқтисодий алоқалар билан шугулланиш; доимий савдо шаҳобчалари бўлмаган кишлок ва кургонлар аҳолиси учун қучма савдо хизматини ташкил этиш; аҳолига чакана савдо ва бошқа хизматларни ташкил этиш;
- ўзининг хужалик ҳисобидаги хужалик бирлашмалари (бўлинма, тузилмалари)ни ташкил этиш;
- халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, кишлок хужалик маҳсулотларини ҳам ашёларни қайта ишлаш, маҳсулотларни сақлаш, моддий техник базасини ривожлантириш асосида фойда олиш, спиртли ва спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқариш ва аҳолига

Республика ичида ва унинг ташкарида транспорт хизматини кўрсатиш, автомобил транспортида юк ташиш;

- Иссиқхона (теплица) хужаликларини ташкил этиш.
- Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириш.

«Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо» МЧЖ ун, ёғ, шакар ва бошқа зарур озиқ-овқат товарлари ва ноозиқ-овқат товарлари, шунингдек, хом-ашё материалларнинг чакана ва улгуржи савдоси билан шуғулланади.

ИЧСК фаолият турларини олиб бориш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинса, у ҳолда ўрнатилган тартибда махсус рухсатнома (лицензия) олган ҳолда ўз фаолиятини олиб боради. Жумладан, ИЧСЖ га улгуржи савдони амалга ошириш учун 29.04.2011 йилда чекланмаган муддатга АА № 036 рақам билан Каттақўрғон туман ҳокимлиги томонидан лицензия берилган (илова 3).

ИЧСК нинг фаолиятини бошлаш учун унга киритилган дастлабки устав фонди суммаси 151 300 000 сўмни ташкил этган. 2012 йил 1 январ ҳолатига эса у 525606 000 сўмга етказилган (илова 4).

“Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо” МЧЖ таркиби 2 та ташкилотдан иборат:

1. Каттақўрғон чакана савдо унитар корхонаси (1та савдо сотиб олиш базаси, 2 та озиқ-овқат магазин)дан иборат;
2. “Роҳат” унитар овқатланиш корхонаси (2 та озиқ-овқат магазини, 8 та ошхонаси)дан иборат.

“Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо” МЧЖ нинг молиявий ҳужалик фаолиятининг асосий кўрсаткичларини бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари бўйича кўриб чиқамиз(1 чи ва 2 чи жадваллар), 4 ва 5 иловалар.

1-жадвал

**“Каттакўрғон ишлаб чиқариш савдо” МЧЖ нинг 2011 ва 2012 йил
1 январ ҳолатига БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ (минг сумда)**

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот йили бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
АКТИВ			
1. Узоқ муддатли активлар			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	487332	611243
Эскириш (0200)	011	233050	301030
Қолдиқ (баланс) қиймати (010 – 011)	012	254282	310213
Узоқ муддатли инвестициялар жами	030	4214	3545
Қимматли қоғозлар (0610)	040	3545	3545
Капитал қўйилмалар (0800)	100	7000	7000
1.Бўлим бўйича жами (сатр.012+022+030+090+100+110+120)	130	265496	320758
2.Жорий активлар			
Товар моддий захиралари жами(сатр.150+160+170+1080)	140	238697	453854
Ишлаб чиқариш захиралари (1000,1500, 1600)	150	6963	8621
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000,2100,2300,2600,2700)	160	-	219391
Товарлар (2900)	180	231734	225842
Дебиторлар жами(220+230+240+250+260+270+280+290+300+310)	210	236697	459083
Шўъба хўжалик жамиятларнинг қарзлари (4120)	260240	33748	36173
Мол йитказиб берувчилар ва пўдратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260	169094	206085
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270	8783	41333
Давлат махсадли тўловлари ва суг'урталар бўйичабўнақ тўловлари (4500)	280	2103	12404
Ходимларнинг бошқа операциялари бўйича қарзлари (4200)	300	20942	20942
Пул маблағлари жами(сатр. 330+340+350+360) шу жумладан	320	91280	113996
Ҳисоб рақамидаги пул маблағлари (5100)	340	90912	113996
2.Бўлим бўйича жами (140+190+200+320+370+380)	390	566270	1026933
Баланс бўйича жами (130+390)	400	831766	1347691

1 жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Каттакўрғон ишлаб чиқариш савдо” МЧЖ нинг жами активлари суммаси 2011 йил 1 январга 831766 минг сумни, 2012 йил 1 январ ҳолатига эса 1347691 минг сумни ташкил этган, яъни 515925 минг сумга, ёки 61,72% га ошган. Жумладан, ушбу саналарда унинг товар - моддий захиралари 215157 минг сўмга ошган (453854-238697), товарлари эса 5892 минг сўмга камайган (225842-231734). Умуман олганда товарлар товар моддий захиралар таркибида 2011 йил 1 январ ҳолатига 97,0 % ни, 2012 йил 1 январ ҳолатига 49,7% ни ташкил қилган. Бу камайиш тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобидан ҳосил бўлган, чунки ИЧСК 2010 йилда ишлаб чиқариш билан шуғулланмаган.

2-жадвал

“Каттакўрғон ишлаб чиқариш савдо” МЧЖ нинг 2011 йил

1- январ молиявий натижалар бўйича ҳисоботи (минг кумда)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Махсулот (товар иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	010	3826739	-	5422724	-
Сотилаган махсулот (товар иш ва хизмат) ларнинг таннари	020	-	3413706	-	4816792
Махсулот (товар иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарар) (сатр 010- 020)	030	413033	-	605932	-
Давр харажатлари жами (сатр 050+060 +070+080)шу жумладан	040	-	-	-	223662
Сотиш харажатлари	050	-	-	-	105917
Маъмурий харажатлар	060	-	-	-	760310
Бошқа операцион харажатлар	070	-	-	-	41435
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090	4762	-	1903	-

Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр 030+ 040+090)	1001	300697	-	384173	-
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр 180+190+200 +210) шу жумладан	170	-	2621	-	12039
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	-	2621	-	12039
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарар) (сатр 100+110-170)	220	298076	-	372133	-
Даромад (фойда) солиғини талагунга қадар фойда (зарар) (сатр 220+/-230)	240	291076	-	372133	-
Даромад (фойда) солиғи	250	-	93265	-	124382
Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр 240-250-260)	270	204811	-	247151	-

2 жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики “Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо” МЧЖ нинг махсулот (товар иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушуми 2009 йилга 3826739 минг.сумни, 2010 йилда 5422724 минг.сумни ташкил қилган, яъни 2295985минг.сумга ёки 73,43% га ошган. Худди шундай унинг ҳисобот даврининг соф фойдаси ҳам 42340минг.сумга ёки 12,06% га ошган. Ушбу кўрсаткичлар “Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо” МЧЖ нинг фаолияти ижобий эканлигидан далолат беради.

2.2. Товар операциялари ҳаракатини ҳужжатлаштириш ва моддий авобгар шахсларнинг ҳисоботи

Савдо корхоналарида товар операцияларини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 125- сон ва 2002 йил 27 ноябрдаги «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтқазишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-

тадбирлари тўғрисида» 407- сон қарорлари ҳамда «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом» ва бошқа мъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Товар операциялари ҳисобини самарали ташкил этишнинг муҳим шартларидан бири бўлиб, товарлар кими ва чиқимини тегишли равишда ҳужжатлаштириб бориш ҳисобланади.

Товарларни ким қилинишининг ҳужжатлаштирилиши уларни қабул қилиб олиш жойига, ким томонидан келтирилганлигига, қандай кўринишда келтирилганлигига, транспорт турига ва бошқа омилларга боғлиқ. Жумладан, товарлар савдо корхонасига экспедиторлар орқали ёки савдо дўкон мудирининг ўзи орқали таъминотчиларнинг омборларидан, темир йўл станцияларидан қабул қилиниши мумкин. Бундан ташқари товарлар улгуржи савдо корхоналари томонидан марказлаштирилган тарзда ҳам етказиб берилиши мумкин. Товарлар тараларда, масалан, халталарда, бочкаларда, шишаларда ва бошқа идишларда ёки тараларсиз келиб тушиши мумкин.

Савдо қилишга рухсатнома олиш учун савдо корхоналари солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур:

- ариза;
- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;
- уставнинг «чакана савдо» ёки «улгуржи савдо» фаолият тури кўрсатилган, нотариал тасдиқланган нусхаси;
- тегишли моддий-техник базанинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;
- улгуржи савдо билан шуғулланиш учун устав капиталининг Низомда талаб қилинган пул маблағлари тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси.

- назорат-касса машинаси олдиндан рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;
- чакана савдо учун маҳаллий йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси.

Биз тадқиқот олиб борган «Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо» МЧЖ ҳам савдо билан шуғулланиш учун тегишли гувоҳномалар олинган.

«Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо» МЧЖнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси аҳолисини иш жойи билан таъминлаш, уларнинг ҳар хил турдаги маҳсулотларга ҳамда турли хилдаги хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятидан даромад олишдир.

МЧЖ давлат рўйхатидан ўтган вақтидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳуқуқий шахс ҳисобланади.

Ўз баланси, ҳолис мулкка эга ва тўлиқ хўжалик ҳисоби, ўз – ўзига маблағ чиқариш ҳамда ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитида ҳаракат қилади.

«Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо» МЧЖнинг бошқарув органлари бўлиб:

- Таъсисчилар умумий йиғилиши;
- Директор ҳисобланади.

Жамиятнинг кундалик фаолиятига яккабошчилик асосида директор раҳбарлик қилади.

«Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо» МЧЖ ун, ёғ, шакар ва бошқа зарур озиқ-овқат товарлари ва ноозиқ-овқат товарлари, шунингдек, хом-ашё материалларнинг чакана ва улгуржи савдоси билан шуғулланади.

«Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо» МЧЖ ялпи даромадининг таркибида асосий ўринни товарларни сотишдан олинган даромадлар эгаллайди.

Савдо корхоналарида товар операцияларини ва улар ҳисобини самарали ташкил қилиш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилиши талаб қилинади. Бундай тадбирларга қуйидагилар киради:

- товарларни бут ва сифатли сақланишига имкон берувчи барча коммуникация воситаларга, тушириш ва юклаш, саралаш, ўлчаш, ўраш, кадоқлаш, транспортировка қилинишига имкон берувчи, тегишли равишдаги параметрлардаги майдонларга, шунингдек махсус жиҳозланган асбоб-ускуналар, техник ҳамда технологик воситаларга ва шу кабиларга эга бўлган омбор хўжалигини ташкил қилиш;

- сақланаётган товарлар бўйича моддий жавобгар шахсларни белгилаш ва улар билан моддий-жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиш;

- товарлар кими ва чиқимини расмийлаштириш учун бирламчи хужжатларни танлаш ва улар айланиш тартибини ишлаб чиқиш;

- товарларнинг ҳолати ва ҳаракатини миқдор жиҳатдан ифодаловчи омбор ҳисобини юритилиши.

Чакана савдо корхоналарида моддий жавобгар шахслар ким ва чиқим хужжатлари асосида ўзларининг жавобгарлигида бўлган товар ва таралар бўйича ҳисобот тузадилар. Ушбу ҳисобот турлича номланиб, «Товар ҳисоботи», «Товар-пул ҳисоботи» деб аталади (6 илова).

Ҳисоботларнинг тақдим этиш муддатлари савдо корхоналари раҳбарлари томонидан турли шароитларни эътиборга олган ҳолда (корхонанинг катта-кичиклиги ва ихтисослашганлиги, товар операцияларининг сони, савдо пулининг миқдори ва бошқа шу каби) белгиланади. Амалиётда юқоридаги шарт-шароитларга қараб ҳисоботларни савдо корхоналари ҳар куни, ҳар уч кунда, ҳар ҳафтада, ҳар ўн кунда ёки ойда бир марта тузадилар. «Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо» МЧЖ да моддий жавобгар шахслар товар-пул ҳисоботини ҳар ойда бир марта тузадилар (7 илова).

Чакана савдо корхоналари моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари титул, предмет ва расмийлаштириш қисмларидан иборат бўлади.

Ҳисоботнинг титул қисмида савдо корхонасининг номи, савдо шохобчасининг номи ва тартиб рақами, моддий жавобгар шахснинг фамилияси, исми ва шарифи, ҳисоботнинг тартиб рақами, тузилган даврининг бош ва охириги санаси, товар захираларининг лимити кўрсатилади.

Ҳисоботнинг предмет қисми кирим ва чиқим бўлимларга булиниб, ушбу бўлимлар ҳисоботнинг юз ва орқа томонларида жойлаштирилади. Ҳисоботнинг юз томонидаги кирим бўлимида биринчи қаторда товар ва тараларнинг ҳисобот даври бошидаги қолдиғи, шунингдек товар ва тараларнинг кирими кўрсатилади. Товар ва тараларнинг давр бошидаги қолдиқ суммалари олдинги ҳисоботнинг охириги қолдиқ суммаларидан (кўчириб ёзилган) иборат бўлади. Агар ҳисобот инвентаризация ўтказилгандан кейинги биринчи ҳисобот ҳисобланса, у ҳолда товар ва тараларнинг бош қолдиқ суммалари инвентаризация варағидан олинади. Ҳисоботнинг кирим бўлимида товар ва тараларнинг кимлардан олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар хронологик тарзда алоҳида қаторларда ёзилади. Барча кирим ҳужжатлари ёзилгач, алоҳида қаторда товар ва таралар киримининг жами суммалари кўрсатилади. Ҳисоботнинг чиқим бўлимида товарларнинг чиқими (сотилиши, таъминотчиларга қайтарилиши, товар нобудгарчиликлари, камомадлар ва бошқалар) ҳар бир гувоҳлик берувчи ҳужжат асосида хронологик тарзда кўрсатилади. Барча чиқим ҳужжатлари ёзилгач, алоҳида қаторда товар ва таралар чиқимининг жами суммалари кўрсатилади.

Кирим ва чиқим суммалари жамлангач, алоҳида қаторда товар ва тараларнинг ҳисобот даври охиридаги санасига бўлган қолдиқ суммалари кўрсатилади. Ушбу қолдиқ суммалар бош қолдиқ суммага жами кирим суммасини қўшиш ва ундан жами чиқим суммасини айириш орқали топилади.

Ҳисоботнинг орқа томонида идишларнинг ҳисобот давридаги ҳаракати, уларнинг алоҳида турлари бўйича натурал-қиймат ифодасида акс эттирилади.

Ҳисоботнинг расмийлаштириш қисмида унга илова қилинган кирим ва чиқим ҳужжатларининг сони, моддий жавобгар шахснинг имзоси, ҳисоботни қабул қилиб олган ва текширган бухгалтернинг фамилияси, исми-шарифи, имзоси, шунингдек моддий жавобгар шахснинг ҳисоботга киритилган тузатишларга рози эканлиги ва уларни тўғрилигини тасдиқлаш ҳақида имзоси кўрсатилади.

Моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари икки нусхада тузилади, биринчи нусхаси барча тасдиқловчи бошланғич ҳужжатлар билан бухгалтерияга топширилади. Бухгалтер ҳисоботни қабул қилиб олганлиги ва текширганлиги

тўғрисида моддий жавобгар шахсга қайтариладиган иккинчи нусхасига имзо чекади.

Чакана савдо корхонаси бухгалтерияси товар ҳисоботларини топширилган куни текширишдан ўтказиш шарт. Текширишда ҳисоботнинг бош қолдиқ суммаларини олдинги ҳисоботдан тўғри кўчирилганлиги, ҳар бир кирим ва чиқим ёзувларига доир ҳужжатлар мавжудлиги, уларни тўғри расмийлаштирилганлиги, ҳисоботдаги кирим ва чиқим суммаларини, шунингдек қолдиқ суммаларини тўғри ҳисоблаб ёзилганлиги аниқланади. Аниқланган хато ва камчиликлар ҳисоботларнинг ҳар иккала нусхасида тузатилади ва имзоланади. Бухгалтерияда текширилган ҳисоботлар корхона раҳбари томонидан тасдиқланади ва шундан сўнг улар товар ва тараларнинг синтетик ҳамда аналитик ҳисобини юритишга асос бўлади.

2.3. Савдо корхоналарида товар моддий бойликлар инвентаризацияси ва улар натижаларини ҳисобда акс эттирилиши

Чакана савдо корхоналаридаги товар ва идишларнинг инвентаризациясини ташкил қилиш ва ўтказиш 19-сон БҲМС «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш»га асосан амалга оширилади. Узининг характери, расмийлаштирилиши, натижаларни аниқлаш тартибига кўра чакана савдо корхоналаридаги товар-моддий бойликларнинг инвентаризацияси улгуржи савдо корхоналаридаги тартибга асосан ўхшайди, лекин қуйидаги жиҳатлари билан уларни фарқлаш мумкин:

Биринчидан, чакана савдо корхоналарида товар-моддий бойликлар инвентаризацияси савдо дўкон кассасидаги пул маблақларини санашдан бошланади. Нақд пул маблағларининг саноғи алоҳида далолатнома билан расмийлаштирилади.

Иккинчидан, пул маблағларидан кейин савдо дўқонидаги товарлар санокдан ўтказилади, шундан сўнг ёрдамчи бино ва майдончалардаги товарлар қайта рўйхатга олинади.

Учинчидан, инвентаризация минимал муддатларда ўтказилади, чунки уни чўзилиб кетиши товар айланмасига салбий таъсир ўтказди.

Тўртинчидан, инвентаризация ўтказиш вақтида товарларни бевосита савдо дўконидан сотилишига йўл қўйилмайди.

Бешинчидан, товарларнинг қайта саноғи уларнинг алоҳида хусусиятлари, сақланаётган идишларнинг турлари ва бошқа жиҳатлари эътиборга олиниб амалга оширилади, масалан бочкадаги пахта ёғи бочканинг ҳажми ва сиқимига қараб аниқланади, бир хилдаги товарлар сотиш баҳоларига қараб гуруҳланади.

Олтинчидан, товарлар камомати аниқланганда табиий камайиш ҳисоб-китоби, идиш вазни ошиши далолатномалари тузилади.

Еттинчидан, инвентаризация натижасида моддий жавобгар шахс томонидан савдо пуллари тўғри ва ўз вақтида кассага топширилганлиги аниқланади.

Саккизинчидан, товарларни қайта баҳолашга доир инвентаризациялар сони чегараланмайди.

Чакана савдо корхоналарида товарларнинг қайта саноғи инвентаризация рўйхати, инвентаризация натижалари эса таққослама қайднома билан расмийлаштирилади.

Чакана савдо корхоналарида товарларнинг инвентаризацияда аниқланган камоматлари, сақлаш ва сотиш жараёнида юз берган бузилишлари, синишлари, чиқиндилари, ёқоч идишларга сингиши натижасидаги йўқотишлари тузилган далолатномалар асосида ҳисобдан чиқарилади. Далолатномалар асосида аниқланган камомат ва йўқотишлар суммасига қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

-Жами аниқланган йўқотишлар суммасига:

Дебет 5910 «Камоматлар ва бойликларни бузилишидан кўрилган йўқотишлар»;

Кредит 2920 «Чакана савдодаги товарлар».

-Меъёрдаги ва меъёрдан ортиқ йўқотишлар суммасининг корхона харажатларига олиб борилишига:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»;

Кредит 5910 «Камоматлар ва бойликларни бузилишидан кўрилган йўқотишлар».

-Меъёрдан ортиқ йўқотишлар суммасининг моддий жавобгар шахслар бўйнига қўйилишига:

Дебет 4730 «Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзлари»;

Кредит 5910 «Камомадлар ва бойликларни бузилишидан кўрилган йўқотишлар».

Товар ва идишларнинг инвентаризацияда аниқланган ортиқча суммалари чакана савдо корхоналарининг асосий фаолиятдан олинган даромадларига олиб борилади ва унга;

Дебет 2920 «Чакана савдодаги товарлар»

Кредит» 9390 «Бошқа операцион даромадлар» ёзуви қилинади.

«Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо» МЧЖда ҳам магазиндаги товар ва таралар белгиланган муддатларда инвентаризация қилинади, жумладан унинг 1 сонли магазинида (моддий жавобгар шахс Рашидов Баходир) МЧЖ директори Рузиев Шералининг 2014 йил 13 январ санасида имзолаган 002 сонли фармойишига асосан (8 илова) инвентаризация ўтказилган, ва унинг натажаси далолатнома билан расмийлаштирилган (9 илова). Далолатнома маълумоти бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққосланганда (моддий жавобгар шахс томонидан инвентаризация бошлашдан олдин 2014 йил 13 январ санасига 1- сон билан тузган товар –пул ҳисоботи маълумотлари)(10 илова) товар ва тараларнинг камомади ёки ортиқча чиқиши аниқланмаган.

2.4. Товарлар ҳаракатининг ҳисоби

Товар операциялари ҳисобининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб товар-моддий бойликларнинг ҳолати ва ҳаракати бўйича синтетик ва аналитик ҳисобни юритиш ҳисобланади. 21-сон БХМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» га мувофиқ товарларнинг синтетик ҳисобини барча савдо корхоналарида қуйидаги счётларда олиб бориш назарда тутилган.

2910 «Омбордаги товарлар». Омбордаги товарларнинг қолдиғи ва кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида ҳисоб баҳосида акс эттирилади. Улгуржи савдо корхоналарида ҳисоб баҳоси бўлиб таннарх, яъни сотиб олиш баҳоси (тайёрлов-транспорт ва бошқа сотиб олишга доир харажатлар билан биргаликдаги), ҳисобланади.

2920 «Чакана савдодаги товарлар». Чакана савдо шоҳобчалари (савдо дўкон, палатка, ларёк, киоска ва бошқалар)даги товарларнинг қолдиғи ва кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида ҳисоб баҳосида акс эттирилади. Улгуржи савдо корхоналарининг чакана савдо шоҳобчаларида ҳисоб баҳоси бўлиб сотиш баҳоси, яъни савдо устамалари билан биргаликдаги ҳисобланган чакана баҳо, ҳисобланади.

2920«Кўргазмадаги товарлар». Кўргазма залларига қўйилган товарларнинг қолдиғи ва кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида ҳисоб баҳосида акс эттирилади.

2940 «Ижарадаги бўюмлар». Вақтинча фойдаланишга (прокатга) берилган товарларнинг қолдиғи ва кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида ҳисоб баҳосида акс эттирилади.

2950 «Товар ости идишлари ва бўш идишлар». Товар остидаги ва қайтариладиган тараларнинг қолдиғи ва кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида ҳисоб баҳосида акс эттирилади. Улгуржи савдо корхоналарида ҳисоб баҳоси бўлиб таннарх, яъни сотиб олиш баҳоси, ёки ўртача ҳисоб баҳоси ҳисобланади.

2960 «Комиссияга берилган товарлар». Шартномалар асосида бошқа корхоналарга комиссия ва консигнация шартномалари асосида берилган товарларнинг қолдиғи ва кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида ҳисоб баҳосида акс эттирилади.

2970 «Йўлдаги товарлар». Гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатлари асосида ҳисобга киритилган лекинда ой охирида йўлда бўлганлиги учун омборларга кирим қилинмаган товарларнинг қолдиғи ва кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида ҳисоб баҳосида акс эттирилади

2980 «Савдо устамаси». Ҳисоб баҳосининг таркибий элементи бўлиб, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридаги товарларнинг сотиб олиш баҳолари устига қўйилган савдо устамаларини қолдиғи ва кўпайиши кредитида, камайиши эса дебитида акс эттирилади. Улгуржи савдо корхоналарида фақат чакана савдо шохобчаларидаги товарлар бўйича қўлланилади.

2990 «Бошқа товарлар». Юқоридаги счётларда акс эттирилмайин қолинган товарларнинг қолдиғи ва кўпайиши дебитида, камайиши эса кредитида ҳисоб баҳосида акс эттирилади.

Товарлар 21 -сон БҲМС га мувофиқ чакана савдо корхоналарида товарлар ҳаракатининг синтетик ҳисоби 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётида олиб борилади. Ушбу счётнинг дебитида товарларнинг таъминотчилардан сотиб олиниши ва бошқа манбалар ҳисобидан кўпайиши, кредитида эса товарларнинг сотилиши ва бошқа чиқимлари акс эттирилади.

2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётининг юритилиши 2910 «Омборлардаги товарлар» счётида тўлиқ ўхшайди, фақатгина фарқ шундаки, унинг дебет ва кредитида товарлар сотиш баҳоларида, яъни савдо устамалари билан биргаликда акс эттирилади.

Чакана савдо корхоналарида, худди улгуржи савдо корхоналаридагидек, товарларни таъминотчилардан сотиб олиниши ва улар билан ҳисоб-китобларни қуйидаги усуллардан бирида олиб бориш мумкин.

1-усул. Чакана савдо шохобчаларига кирим қилинган товарларни бевосита 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётига ҳисобга олиш усули. Ушбу счётда товарлар узлуксиз ҳисоб тизим асосида сотиш баҳоларида, яъни савдо устамалари билан биргаликда акс эттирилади. Қиймат тамойилига мувофиқ товарларнинг сотиш баҳоларига уларни таъминотчилардан сотиб олиш баҳоларидаги қиймати, сотиб олишга доир барча қўшимча харажатлар (ташиб келтириш, брокерлик, божхона, сертификатлаш харажатлари) ва савдо устамаси киритилади.

2-усул. Товарларни сотиб олинишини махсус счётда, масалан 1510 «Товар моддий бойликларни сотиб олиниши» счётида, ҳисобга олиш усули. Ушбу

счётда товарлар узлуксиз ҳисоб тизимига мувофиқ сотиб олиш баҳоларида, яъни таннархи бўйича, акс эттирилади. Қиймат тамойилига мувофиқ товарларнинг таннарига уларни таъминотчилардан сотиб олиш баҳоларидаги қиймати ва сотиб олишга доир барча қўшимча харажатлар (ташиб келтириш, брокерлик, божхона ва бошқа харажатлар) киритилади. Сотиб олишга доир барча харажатлар олдин 1510 «Товар-моддий бойликларни сотиб олинishi» счётига тўпланади ва товарлар савдо шохобчаларига кирим қилинган, ушбу счёт 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётида ёпилади. Товарларнинг сотиб олиш қиймати устига қўйиладиган савдо устамалари алоҳида 2980 «Савдо устамалари» счётининг кредитида ва 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётининг дебитида акс эттирилади.

Товар операциялари бир бирларидан хужжатлар билан расмийлаштириш бўйича ҳам фарқ қилади. Жумладан, улгуржи савдо корхоналаридаги товар операцияларининг характерли хусусиятларидан бири шундаки, биронта товар-моддий бойликнинг кирим ва чиқими бу ерда тегишли хужжатларни расмийлаштирмасдан туриб амалга оширилмайди. Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида, аксинча, ҳар бир товар операциясини хужжатлаштириб бўлмайди. Омборлардан товарлар фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида сотилади, чакана савдо ва умумий овқатланишда эса товарлар асосан нақд пулга, айрим ҳолларда кичик улгуржи шаклда нақдсиз сотилиши мумкин.

Ўзбекитон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига (БХМС), шу жумладан 4-сон БХМС «Товар-моддий захиралар»ига, мувофиқ товар-моддий бойликларни ҳисобга олишнинг иккита тизимини, яъни даврий тизим ва узлуксиз тизимини, қўллаш мумкин.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш бир томондан савдо корхоналарининг мустақил фаолияти учун катта имконият яратиб берса, иккинчи томондан, уларни менежерлар, мулкдорлар ва давлат томонидан бошқаришни мураккаблаштиради. Бу эса, ўз навбатида улар фаолиятини узлуксиз ҳисобга олишга эҳтиёж туғдиради.

Улгуржи савдо корхоналарида товар операцияларининг юқорида тавсифланган хусусиятларини эътиборга олган ҳолда товар-моддий бойликлар ҳисобини узлуксиз тизимини қўллаш зарурияти ва шарт-шароитлари мавжуд. Ушбу тизимнинг моҳияти шундаки товар-моддий бойликларнинг барча кирим ва чиқимининг ҳисоби аниқ бошланғич ҳужжатлар асосида юритилади. Жумладан, товарларни сотилиши харидорлар билан тузилган шартномаларда кўрсатилган баҳоларда уларни сотилганлигига гувоҳлик берувчи счёт-фактуралар асосида ҳисобга олиб борилади. Сотилган товарларнинг таннархи уларнинг кирим ҳужжатларида кўрсатилган баҳолари бўйича аниқ ҳужжатлар асосида топилади ва ҳисобга олинади. Бу, ўз навбатида, сотишдан олинган даромадларни ҳар бир товар бўйича ҳужжатли асосда топиш имконини беради.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ҳар бир товарнинг сотилишини қатъий ҳужжатлаштириш имконининг мавжуд бўлмаслиги уларда ТМБлар ҳисобининг даврий тизимини қўллашни тақозо этади.

Савдо корхоналарида товар операцияларини даврий усулда ҳисобга олиш тартиби 3 жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Савдо корхоналарида товар операцияларини даврий усулда ҳисобга олиш тартиби (21-сон БХМС асосида тузилди)

№	Товар операциялари	Корреспонденцияланувчи счётлар	
1.	Товарларнинг шартнома баҳо-сидаги сотиб олиш қийматига	9140	6010
2.	Товарларни сотиб олиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар суммасига	9140	6010 ва бошқ.
3.	Товарлар сотиш қийматининг даромадга олинishiга	4010, 5010	9020
4.	Сотилган товарларга тўғри келадиган сотиб олиш қийматига	-	-
5.	Сотилган товарларга тўғри келадиган қўшимча харажатлар суммасига	-	-

6.	Ҳисобот даврининг охирида инвентаризация натижалари бўйича товарлар қолдиғига тузатиш қилинди: - кўпайиши (1-ҳолот) - камайиши (2-ҳолат)	2920 9150	9150 2920
7.	Ҳисобот даврининг охирида даромад счётининг ёпилиши	9020	9910
8.	Ҳисобот даврининг охирида таннархни ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9910	9140
9.	Ҳисобот даври охирида 9150 счётининг ёпилиши -1-ҳолатда -2-ҳолатда	9150 9910	9910 9150

Товар операцияларини даврий ҳисобга олиш усулининг моҳияти шундаки, бунда сотилган товарларнинг таннархи ҳар бир сотилган товар бўйича эмас, балки вақти – вақти билан сотилмай қолган товарларни инвентаризация қилиш йўли билан аниқланади. Бу усул чакана савдо ва овқатланиш корхоналарига тааллуқли бўлиб, унда ҳар бир товарнинг сотилиши қатъий ҳужжатлаштирилмайди. Шу сабабли, сотилган ва сотилмай қолган товарларнинг таннархини ҳужжатлар асосида аниқлаб бўлмайди. 21 – БҲМС га мувофиқ, мазкур корхоналар ҳисобот даври мобойнида товарларнинг сотиб олиншини вақтинчалик 9140 – «Даврий ҳисобда ТМЗ ларни сотиб олиш/харид қилиш» счётининг дебитида акс эттирадилар.

Товар операцияларини узлуксиз ҳисобга олиш усули товарларнинг ҳар бир ҳаракати бўйича келиб тушиши, чиқиб кетиши, сотиш қиймати, сотиш таннархи ва олинган фойда ҳақидаги маълумотларни ҳужжатлар асосида тўлиқ олиш имконияти мавжуд бўлган савдо корхоналарида қўлланилади.

Ушбу усул омборхоналарда товарларнинг келиб тушиши ва кетиши қатъий ҳужжатлаштириладиган улгуржи савдо ва овқатланиш корхоналари учун хос. Унда товарларнинг сотиб олиш баҳосидаги қиймати (сотиб олиш билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар билан

биргаликда) 2910 – «Омбордаги товарлар» счётининг дебетиде уларни сотиб олиш манбалари ва усулларини ифодаловчи мос счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Товарлар сотилганда сотиш баҳоси бўйича даромадга олинади.

Сотилган товарларнинг таннархини ҳисобдан чиқариш 9120 – «Сотилган товарлар таннархи» счётини дебетлаш, 2910 – «Омбордаги товарлар» счётини кредитлаш асосида амалга оширилади. Ҳисобот даври охирида даромад ва сотиш таннархини акс эттирувчи счётлар мос равишда 9910 – «Якуний молиявий натижа» счётининг кредити ва дебетига ёпилади.

Товарлар сотиб олиниши ва сотилишидан ташқари бошқа манбалардан кирим қилиниши ва бошқа йўналишларда чиқим қилиниши ҳам мумкин. Уларнинг счётлар ўртасидаги боғланиши 4 жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Товарлар бошқа кирими ва бошқа чиқимларининг ҳисоби

№	Операциянинг мазмуни	Счётлар коррес- панденцияси		Асос бўлувчи хужжатлар
		Дебет	Кредит	
1.	Товарларнинг кирими:			
	-таъсисчилардан олинганда	2910	4610	Товар ҳисоботи,
	-ҳисобдор шахслардан олинганда	2910	4230	Товар-пул
	-ишлаб чиқариш цехларидан келганда	2910	2010	ҳисоботи, Счёт-фактура,
	-тайёр маҳсулот омборидан	2910	2810	Накладнойлар,
	-ортиқчалар эвазига	2910	9390	Далолатнома
	-бепул олиниши эвазига	2910	9380	ва бошқа
	-ички алмашув эвазига	2910	2910-2990,	хужжатлар
	-нархи оширилганда	2910	6230	
	-савдо устамаси эвазига	2910	2980	
2.	Товарларни чиқими:			Ҳисоботлар,
	-ишлаб чиқаришга берилганда	2010	2910	Далолатнома-
	-материалга айлантирилганда	1010	2910	лар, накладной,

-камомад чиққанда	5910	2910	Счёт-фактура
-нархи пасайтирилганда	3190	2910	ва бошқа
-ички алмашувга	2910-2990	2910	хужжатлар

Чакана савдо корхоналаридан товарлар ҳаридорларга нақд пўлга, пластик карточкалар орқали, кредитга ва майда ўлгуржи тарзда сотилади. Қўйида уларнинг синтетик ҳисобда акс эттириш тартибини кўриб чиқамиз.

Товарларни нақд пулга сотилишининг ҳисоби. Товарларни нақд пулга сотиш ва ундан олинган даромаднинг ҳисоби савдо пулини қаерга топширилганлигига боғлиқ. Савдо пули корхона кассасига топширилганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари »;

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар».

Савдо дўкон мудирлари томонидан бевосита савдо пулларини инкассаторларга ёки банкнинг кассасига топширилишига кузатиш кайдномалари ва квитанциялар асосида қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 5710 «Йўлдаги пўл маблағлари», 5110 «Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари», 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари»;

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар».

Товарларни пластик карточкалар орқали сотилишининг ҳисоби. Товарларни пластик карточкалар орқали сотилишининг ҳисоби савдо дўконларига ўрнатилган пластик карточкалар терминалларининг банк муассасаларида ўрнатилган компьютерлар билан бевосита боғланганлигига боғлиқ. Агар ушбу боғлиқлик мавжуд бўлса, пластик карточкалар орқали сотиш тўғрисидаги малумотлар кун охирида компьютер тармоғи орқали банк муассасасига узатилади. Агар ушбу боғлиқлик мавжуд бўлмаса, кассага ўрнатилган терминал пластик карточкаси келишилган муддатларда банк муассасасига олиб борилади ва у ерда пластик карточка счётидан корхонанинг асосий ҳисоб рақамига ўтказилади. Товарларни пластик карточкалар сотилишига қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

1. Товарлар пластик карточкалар орқали сотилган кунда:

Дебет 5710 «Йўлдаги пул маблағлари»;

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар».

2 Пластик карточкалар орқали амалга оширилган савдо пуллари корхонанинг ҳисоб-рақамига тушган кунда:

Дебет 5110 ««Ҳисоб-китоб счётигаги пул маблағлари»;

Кредит 5710 «Йўлдаги пул маблағлари».

Товарларнинг кредитга сотилишининг ҳисоби. «Топширикнома-мажбурият»лар асосида кредитга сотилган товарлар бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

-Кредитга сотилган товарлар учун нақд топширилган савдо пуллари ва кредитга сотиш бўйича ўндирилган фоиз суммасига:

Дебет 5010 «Кассадаги пул маблағлари»;

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар».

-Кредитга сотилган товарлар бўйича харидорнинг қарзига:

Дебет 4710 «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи»,

4890 «Бошқа дебиторларнинг қарзи»;

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар».

Кредитга сотилган товарлар бўйича қарзни дебиторлар нақд пул билан, шунингдек иш ҳақидан қайтаришлари мумкин. Нақд пул билан қарз қайтарилганда Дебет 5010 Кредит 4710, иш ҳақи ҳисобидан қарз қайтарилганда Дебет 6710 “Иш ҳақи бўйича мажбуриятлар” Кредит 4710 ёзувлари берилади. Даъво муддати ўтган қарзларни корхона ҳисобидан қопланишига қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»;

Кредит 4710«Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи»,

4890 «Бошқа дебиторларнинг қарзи».

Товарларнинг майда улгуржи сотилишининг ҳисоби. Товарларнинг майда улгуржи сотилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

-Келиб тушган бўнак суммасига:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари »;

Кредит 6310 «Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнақлар».

-Сотилган товарларнинг сотиш қиймати:

Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счетлар»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

-Олинган бўнакнинг ётилишига:

Дебет 6310 «Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнақлар»;

Кредит 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счетлар».

-Охирги тўлов келиб тушганда:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари»;

Кредит 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счетлар».

Чакана савдо корхоналарида товарлар ходимларнинг аризасига мувофиқ иш ҳақи ҳисобидан ҳам берилиши мумкин. Товарларнинг иш ҳақи ҳисобидан сотилиши ва ундан олинган даромад қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 6710 «Иш ҳақи бўйича мажбуриятлар»;

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар».

Чакана савдо корхоналаридаги товарлар раҳбарнинг буйруғи ёки фармойиши билан хўжалик инвентарларига ҳам айлантйрилиши мумкин. Товарларни ушбу мақсадларда берилиши ҳам сотишдан олинган даромадга киритилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 1080 «Хўжалик инвентарлари ва жиҳозлари»;

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар».

Таъсис бадали сифатида киритилган товарлар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 0600 «Узоқ муддатли инвестициялар»;

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар».

Бепул берилган товарлар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

-Бепул берилган товарларнинг сотиш қиймати:

Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счетлар»;

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар».

-Бепул берилган товарлар бўйича қарзни ҳисобдан чиқарилишига:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»;

Кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган савдо».

Товарларнинг чакана савдо шохобчалари ўртасидаги ички алмашувига унга гувоҳлик берувчи ички юк хатлари (накладнойлар) асосида Дебет 2920 «Чакана савдодаги товарлар» (олувчи) Кредит 2920 «Чакана савдодаги товарлар» (берувчи) ёзуви қилинади.

“Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо” МЧЖ да товарларнинг синтетик ҳисоби 2920 “Чакана савдодаги товарлар” ва 2980 “Савдо устамаси” счётларида олиб борилади. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг китоб-журнал шаклидан фойдаланилади, унга мувофиқ моддий жавобгар шахсларнинг товар пул ҳисоботлари маълумотлари йиғма ведомостда синтетик счётлар кесимида умумлаштирилади (11 илова). Йиғма ведомостнинг жами суммалари бўйича иккита мемориал ордер тўзилади: мемориал ордер №7 2920 “Чакана савдодаги товарлар” счётининг дебети ва бошқа счётларнинг кредити бўйича, мемориал ордер №8 2920 “Чакана савдодаги товарлар” счётининг кредити ва 9120 “Сотилган товарларнинг таннари” счётининг дебети бўйича тузилади (12 илова). Мемориал ордерларнинг (7 ва 8) маълумотлари “Бош китоб” форма №К-41 китобида акс эттирилади (13 ва 14 иловалар).

“Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо” МЧЖда товарларнинг аналитик ҳисоби моддий жавобгар шахслар (савдо шохобчалари мудирлари) бўйича олиб борилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Курс ишни бажариш мобойнида қуйидаги хулосаларга келинди:

1.Бугунги кунда савдо корхоналарининг турли мулкчилик шаклидаги юридик ва жисмоний шахсларга мансублиги савдода эркин рақобатнинг ҳукм сурушига асос бўлади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир корхонанинг яшовчанлигини ўзи таъминлаш заруратини туғдиради. Бунга уларнинг товар операциялари самарадорлигини ошириш орқали эришилади.

2.Савдо корхоналари асосан товарларни харид қилиш ва уларни сотиш билан шуғулланадилар. Товар деганда корхонанинг сотиш учун сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган моддий активлари тушунилади.

3.Товар операцияларини олиб бориш учун савдо корхоналарида барча шарт-шароитларни яратиши лозим. Бундай шарт-шароитлар бўлиб, жумладан, қуйидагилар ҳисобланади:

- товар-моддий бойликларни бут ва сифатли сақланишига имкон берувчи барча коммуникация воситаларга, тушириш ва юклаш, саралаш, ўлчаш, ўраш, қадоқлаш, транспортировка қилинишига имкон берувчи, тегишли равишдаги параметрлардаги майдонларга, шунингдек махсус жиҳозланган асбоб-ускуналар, техник ҳамда технологик воситаларга ва шу кабиларга эга бўлган омбор хўжалигини мавжудлиги;

- товар- моддий бойликлар бўйича моддий жавобгарликни ўрнатилиши;

- товар- моддий бойликларнинг кирими ва чиқимини тегишли равишда ҳужжатли расмийлаштирилиши;

- товар- моддий бойликларнинг ҳолати ва ҳаракатини соний ва суммавий жиҳатдан аниқ, ўз вақтида тавсифловчи омбор ва бухгалтерия ҳисобининг юритилиши.

4.Товар операциялари ҳисоби бажарадиган вазифалари орқали савдо корхоналарида товарларни харид қилиш, сақлаш ва сотиш жараёнининг тўғри ташкил этилишини, товар операцияларидан олинаётган фойда ва

унга нисбатан ҳисобланадиган солиқ, мажбурий тўловларнинг реал ҳисобланишини таъминлайди.

5. Савдо корхоналарига товарлар таъминотчилардан ташқари бошқа манбалардан ҳам келиб тушуши мумкин, масалан, савдо корхоналарининг ишлаб чиқариш цехларидан, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан (агар чакана савдо корхонаси бош корхона ҳисобланса), таъсисчилардан, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслардан бепул ва қарзга олинishi мумкин. “Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо” МЧЖ да ушбу манбалардан айрим товарлар (кондитер маҳсулотлари) кириш қилинади. Ушбу операциялар 21-сон БХМСга мувофиқ счётларда акс эттирилади.

“Каттақўрғон ишлаб чиқариш савдо” МЧЖ мисолида бажарилган курс иши бўйича қуйидаги таклифларни берамиз:

1. Корхонада ҳисоб сиёсати мавжуд эмас. Уни тўзиш зарур.
2. Моддий жавобгар шахсларнинг товар-пул ҳисоботларини “Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши туғрисида”ги Низом талаблари бўйича тўзиш (барча реквизитларини тўлдириш ва раҳбар томонидан тасдиқлаш).
3. Товарлар ва таралар инвентаризацияси қайдномасини 19-сон БХМС “Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш”да келтирилган наъмунавий шакл бўйича тўзиш.
4. Жамиятда ҳисобни компьютерлаштириш, 1С: Бухгалтерия дастурини жорий этиш.
5. Йиллик молиявий ҳисобот шакллари тўлиқ тўзиш, жумладан; пул оқимлари туғрисидаги ҳисоботни тўзиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.А. Каримов 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилда мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2014 йил 18 январ.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, -Т.: Ўзбекистон, 2008, (қўшимча ва ўзгартиришлар билан).

3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғриси»да Қонуни. 1996 йил 30 августда қабул қилинган.

4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (қўшимча ва ўзгартиришлар билан), -Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

5. “Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли Қарори (қўшимча ва ўзгартиришлар билан).

6. “Улғуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида” Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 407-сонли Қарори билан тасдиқланган.

7. 4-сон БХМС “Товар моддий заҳиралар” 17.07.2006.й 1595-сон.

8. 9-сон БХМС “Пўл оқимлари туғрисидаги ҳисобот” 04.11.1998й. 519-сон.

9. 19-сон БХМС “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш” 02.11.1999й. 833-сон.

10. 21 –сон БХМС “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” 23.10.2002й. 1181-сон.

11. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2007, 41-42-бет.

12. Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби.—Т.: Шарқ, 2004. — 592б.
13. Уразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш.—Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2004.—336 б.
14. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. 2-қисм. Маъруза матни. — Самарқанд, СамИСИ, 2004. - 228 б.
15. Уразов К.Б., Вохидов С.В. Дарслик. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Т.: Адиб, 2011, 488 бет.
16. Интернет сайтлари;
www.ziyonet.uz
www.google.uz
www.lex.uz

Иловалар